

## **«Мен коронавирусдан даволандим. Тибиёт ходимларига рахмат»...**

Мен Хўжайли тумани «Б.Қурбанов» кўчаси 68 уйда истиқомат қилувчи фуқаро Усмонов Муродбек Сарсенбаевич бўламан. Ҳозирги вақтда ер юзида муаммо бўлиб турган COVID-19 билан касалланган кўпчилик инсонлар бу дунёдан ерта кўз юмишмоқда. Ушбу касаллик билан курашиш учун мамлакатимизда барча имкониятлар ишга солинган. Бунинг учун хурматли Президентимизга рахмат айтамиз.

Мен ҳам шу пневмония касаллиги билан 2020 йилнинг 14-октябрь санасидан 24-октябрь кунига қадар Нукус шаҳридаги Спорт комплексида ташкиллаштирилган касалхонада даволандим. Шу вақт оралиғида менинг эътиборимни тортган нарса шу бўлдики, шфокорлар ва ҳамширалар ҳар бир касалга катта эътибор, ғамхўрлик ва одамгарчилик билан муносабатда бўлди.

Мен бундай ўз касбига садоқат билан хизмат қиласиган инсонларнинг янада кўпайишини худодан сўраб қоламан.

Мен қуидаги инсонларга ўзим ва оилам номидан миннатдорчилик билдираман.

Нурманов Салаўат-( РНЦЭМП шфокори  
Ембергенова Шахноза-( РНЦЭМП ҳамшира)  
Мусакулова Қәлбийке-( РНЦЭМП ҳамшира)

Хурмат билан: Усманов Муратбай Сарсенбаевич